

**“Ўзбекистонда тарихий шаҳарларнинг туристик имкониятлари ва
экотуризм
йўналишларида сайёхларга кўрсатиладиган объектлар”
201-ЛАМ Гайбуллаева М.О.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб кўплаб соҳалар ўзининг янги босқичини бошлади. Ўзбекистонни хар томонлама ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш, хамда Ўзбек миллатини, унинг маънавияти ва ўзлигини авваламбор мамлакат фуқароларига, хамда, жаҳон хамжамиятига қайта танитиш, қолаверса, маънавий, тарихий ва меъморий меъросимиз дурдоналарини тўла ўрганиш ва қайта тиклашга катта эътибор қаратилди. Эришилган натижалар эса минглаб чет эллик сайёхларни Ўзбекистон томон чорлай бошлади. Натижада иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири – туризм соҳаси ривожлана бошлади. Ўзбекистоннинг тарихий меърослари билан бир қаторда табиий бойликлари, ўзига хос иқлими, ўсимлик ва хайвонот олами юртимизга келаётган сайёхлар сонига нисбатан кўпроқ даражага орттиришга қодир. Ушбу мақсадга эришиш йўлида туризмнинг барча йўналишлари, айниқса жаҳон туризм бозорида жадал суръатда кенг тарқалиб бораётган экотуризм йўналишини ривожлантиришга ехтиёж янада сезилди. Туризм жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиёти таркибида тез ривожланаётган ва салмоқли ўринни эгаллайдиган тармоқ бўлиб, унда экологик туризм инновацион йўналиш сифатида жадал ривожланаётган йўналишга айланди. Экологик туризм табиат билан кишиларнинг узвий боғлиқлиги ва бевосита мулоқотини ривожлантиришга ва табиатда хузур-ҳаловат, мадад қувват, билим, ташкил этувчиларга эса катта даромад олишга, умуман экологик иқтисодий барқарорлик ва мувозанатни сақлаган ҳолда фаол дам олишга асосланади. Унда юқори даражада хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар

ўрнини оддий чодирлар, уй-мехмонхоналари, палаткалар ва кемпинглар, табиат қўйнида дам олиш, саёхат қилиш эгаллади.

Ўзбекистоннинг иқлим шароити дам олиш ва экотуризмни ривожлантириш учун катта имконият яратади. Мамлакатимизнинг Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ўзининг бой табиати билан ажralиб туради ва оммавий экотуризм марказлари бўла олади. Бу худудларда тарихий обидалар, тарихий ёдгорликлар, ажойиб ғорлар, шаршара, булок, жилға ва сойлар, даралар, қояли рельеф шакллари, очилиб қолган ётқизиқлар ва бошқа ажойиб табиат ёдгорликлари мавжуд. Экотуризм Ватанимизнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида, нафақат ҳорижий саёҳларни балки ватанимизнинг ландшафти, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой ва бетакрор табиати билан таништириш, миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини боғлаш, мамлакатлар ва турли ҳалқларнинг бир-бирини кенгроқ билиш, қирилиб кетиш арафасида турган ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаш ва кўпайтириш мақсадида қўриқхоналар (Сурхон, Нурота, Ҳисор, Бадай-Тўқай, Зарафшон, Қизилқум, Чотқол, Зомин, Китоб), парваришхоналар (Жайрон “Экомаркази”, Сайхун хўжалиги) таркибида ва атрофида дунё талабларига жавоб бера оладиган миллий табиий боғларни яратиш лойиҳаларини ишлаб чиқиши, уларни амалга ошириш орқали муҳофаза қилинадиган худудларда экотуризм объектларининг моддий-техник базасини яратиш учун қўшимча инвестицияларни киритишдан иборат. Самарқанд вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, Самарқанд дунё тараққиётининг энг қадимги ва марказий шаҳарларидан бири бўлиб, жаҳон маданияти ва фани ҳазинасига катта ҳисса қўшган шаҳардир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти ва ҳукумати раҳбарлигига мустақиллик йиллари Самарқанд шаҳридаги архитектура ёдгорликларини тиклаш ва таъмирлаш, айниқса, эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва тамирлаш, ободонлаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида қайтадан барпо этилган ал Бухорий, Мотрудий ва бошқа тарихий мажмуалар таҳсинга сазовордир. Афросиёб Самарқанд шаҳрининг қадимий қолдиқлари сакланадиган тепалик бўлиб, узоқ асрлар давомида 10-15 метр чуқурлика қўмилиб кетган археологик қазилмалари билан машҳур. Самарқанд шаҳри ёдгорликлари ўзининг буюклиги билан одамларни қойил қолдирган. Унинг бинолари деворларидаги зангори нақшлари, архитектура шакллари, турли қўринишлардаги геометрик шакллари билан кишини ҳайратга солади. Булар Регистон, Шоҳи Зинда, Гоҳри Амир мақбаралари ансамблларидир. Самарқанд атрофидаги Афросиёб тепаликлари бўйлаб Шоҳи Зинда меъморчилик ансамблининг 11 та мақбаралари жойлашган. Бу кўчаларни қуришни ҳеч ким режалаштиргмаган, улар ўз-ўзидан юз йиллар давомида барпо этилган. Шоҳи Зинда сўзи „Тирик шоҳ“ маъносини англатади.
Демак, юкоридагилардан келиб чикиб шуни айтишимиз мумкинки,
Ўзбекистонда,
айниқса, экотуризмни ривожлантириш учун табиий ва географик имкониятлар етарли.
Негаки, юртимиз ўзининг бетакор табиати, гўзал ландшафтлари, пурвиқор тоғлари, бепоён чўллари, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, кўп мингйиллик табиий ёдгорликлари билан ажralиб туради. Бу йилнинг тўрт фаслида ҳам ўзига хос бўлган экосаёҳатларни ташкил этиш мумкинлигидан далолатdir.
Фойдаланилган адабиётлар:
1. 1 Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма-Тошкент. 2000.
2 И.Тухлиев, Ф.Қудратов, М.Пардаев. Туризмни режалаштириш.-
Т“Иқтисодий
молия” 2010.
3 Пардаев А.